



Ўзбекистон Республикаси Номидан
Халқаро Иқтисодий Суднинг
Қарори

2022 йил 29 июнь

Каттақўрғон тумани

4-1402-2201/807-сонли иш

Каттақўрғон туманлараро иқтисодий судининг судьяси Й.Т.Норбеков раислигида, судья ёрдамчиси И.Улжаевнинг суд мажлиси котиблигида аризачи Самарқанд вилоят давлат солиқ бошқармасининг жавобгар «А» МChJга нисбатан банк ҳисоб-варағи бўйича операцияларини тўхтатиш тўғрисидаги аризаси асосида қўзғатилган иқтисодий ишни, Каттақўрғон туманлараро иқтисодий суди биносида, очиқ суд мажлиси муҳокамасида, кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни,-

АНИҚЛАДИ:

Аризачи Самарқанд вилоят давлат солиқ бошқармаси Каттақўрғон туманлараро иқтисодий судига жавобгар «А» МChJга нисбатан ариза билан мурожаат қилиб, ариза талабида жавобгар кўрсатилган манзилда мавжуд эмаслиги сабабли, суддан жавобгарнинг хизмат кўрсатувчи тижорат банкидаги ҳисоб-варағи бўйича банк операцияларини тўхтатишни сўраган.

Суд Ўзбекистон Республикаси ИПКнинг 220-моддасида, суд ишда иштирок этувчи шахсларни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида ушбу Кодексда белгиланган тартибда хабардор қилади. Бунда суд аризачининг зиммасига жавобгарни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилиш мажбуриятини юклашга ҳақли. Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги, агар суд уларнинг келишини мажбурий деб топмаган бўлса, ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди деб белгиланган.

Суд ишни тарафлар иштирокисиз мавжуд ҳужжатлар асосида кўриб чиқишни, ишдаги ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо берган ҳолда қуйидагиларга кўра аризани қаноатлантиришни лозим топди.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, Пахтачи туман ДСИ ходими Т.Хамидов ва “Тома” МФЙ раиси Н.Бурановлар томонидан 2022 йил 19 май куни жавобгар «А» МChJнинг манзилидакузатув ўтказилган. Ушбу кузатув натижасида жавобгар «А» МChJ кўрсатилган манзилда мавжуд эмаслиги ва ушбу манзилда фаолият кўрсатмаслиги тўғрисида далолатнома расмийлаштирган.

Ушбу кузатув далолатномаси асосида Самарқанд вилоят ДСБ томонидан 2022 йил 25 май куни 20/1-42726-сонли “Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўғтатиб туриш тўғрисида” қарор қабул қилинган.

Ушбу қарор асосида жавобгар «А» МChJнинг тижорат банкларидаги барча ҳисобварақлари бўйича чиқим қисми операциялари 10 кунга тухтатилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддаси 1-қисмига асосан, Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича



операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилинишига қадар тўхтатиб турилади.

Ушбу модданинг 3-қисмида, юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун қўйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин: 1) ушбу солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисобварақларни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда; 2) солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органининг камерал солиқ текшируви натижалари бўйича талабномасига тушунтиришлар ва (ёки) тузатишлар белгиланган муддатда тақдим этилмаганда, шунингдек солиқ тўловчи томонидан солиқ органи талаб қилган ҳужжатлар тақдим этилмаганда; 3) солиқ текширувини ўтказётган солиқ органларининг мансабдор шахсларини кўрсатилган ҳудудга ёки бинога (бундан турар жойлар мустасно) киришига тўсқинлик қилишда. Солиқ органи мансабдор шахсининг киришига тўсқинлик қилиниши унинг ўзи ва текшириляётган шахс томонидан имзоланадиган далолатнома билан расмийлаштирилади. Бундай далолатнома асосида солиқ органи банкдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туради; 4) солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) ўзи кўрсатган манзилда йўқлигида.

Ўзбекистон Республикаси ИПКнинг 217-моддасига асосан банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, ҳуқуқий таъсир чораларига кирилади.

Ўзбекистон Республикасининг 07.01.2020 йилдаги “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддаси 17-бандида, аризачи ва жавобгар - ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўловидан озод қилинган.

Бундай ҳолатда, суд иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, даъво аризасини қаноатлантиришни, жавобгар «А» МChJнинг банклардаги асосий ва унга очилган иккиламчи ҳисобварақлари бўйича банк операцияларини бюджет тўловлари ва иш ҳақидан ташқари бошқа чиқим ҳаракати жавобгар томонидан камчиликларни бартараф этганлиги тўғрисидаги маълумотни ДСБга тақдим этгунига қадар тўхтатишни, жавобгар «А» МChJ ҳисобидан аризачи Самарқанд вилоят давлат солиқ бошқармаси фойдасига олдиндан тўлаб чиқилган 24000 сўм почта харажатини ундиришни лозим деб топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 82, 111, 273-моддаси ва Иқтисодий процессуал кодексининг 113, 176-180, 186-моддаларига асосланиб, суд

Қ А Р О Р К И Л Д И:

Аризачи Самарқанд вилоят давлат солиқ бошқармасининг, жавобгар «А» МChJга нисбатан берган аризаси қаноатлантирилсин.

Жавобгар «А» МChJнинг банкдаги асосий ва барча ҳисоб-рақамлари ҳаракатини бюджет тўловлари ва иш ҳақидан ташқари бошқа чиқим ҳаракати жавобгар «А» МChJ томонидан камчиликларни бартараф этганлиги тўғрисидаги маълумотни Самарқанд вилоят давлат солиқ бошқармасига тақдим этгунига қадар тўхтатилсин.

Жавобгар «А» МChJга хизмат кўрсатувчи барча банклар ҳисоб-рақамлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйишга сабаб бўлган ҳолатлар жавобгар томонидан тўлиқ бартараф этилганидан сўнг, давлат солиқ хизмати органи томонидан тақдим этиладиган ёзма кўрсатмаси (қарори) асосида ҳисобварақлар бўйича операциялар тиклансин.



Жавобгар «А» МChJ ҳисобидан аризачи Самарқанд вилоят давлат солиқ бошқармаси фойдасига олдиндан тўлаб чиқилган 24000 сўм почта харажати ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози бўлган тарафлар уш кунлик муддатда Самарқанд вилоят судига апелляция тартибида Каттақўрғон туманлараро иқтисодий суди орқали шикоят беришга (протест келтиришга) ҳақли.

Судья



Й.Т.Норбеков

Ҳужжат имзоланган: Норбеков Йўлдош Тиркашевич, 08.07.2022

